

“O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
№ 3/2018-сонли баённомаси

Умумий йиғилиш ўтган сана ва вақти – 23 ноябрь 2018 йил, соат 10:00

Умумий йиғилиш ўтган жой – Тошкент шаҳар, Абай кўчаси 4а - уй,
“O‘zagroservis” акциядорлик жамияти биноси, жамият мажлислар зали
Умумий йиғилиш раиси - Б. Суюнов

“O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyatining asosiy faoliyati respublika qishloq xўjaligi korxonalariga lizing xizmatlarini kўrsatishdan iborat bўlib, mazkur Jamiat Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарори асосида ташкил этилган, Хукуматнинг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2658-сонли “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ эса унинг вазифалари кенгайтирилган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги жамият кузатув кенгашининг 2018 йил 5 ноябрдаги №238-сонли қарори умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Кузатув кенгаши аъзоси акциядорлар умумий йиғилишининг Раёсати ва Котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди.

Б. Суюнов - Умумий йиғилиш раиси ҳамда А. Саттаров ва Д. Холдаралиев умумий йиғилиш раёсати аъзолари ҳамда М. Турсунов йиғилиш котиби этиб сайландилар.

Кун тартиби:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
 2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламен-тини тасдиқлаш.
 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3929-сонли қарори ижросини кўриб чиқиш ва таъминлаш.
 4. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ваколатини муддатидан олдин тугатиш.
 5. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари ваколатини муддатидан олдин тугатиш.
 6. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
 7. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
 8. Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш.
 9. Жамиятнинг “Бошқарув тўғрисидаги низом”ни янги тахрирда тасдиқлаш.
 10. Жамият Бошқарув раисини сайлаш.
 11. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва котибига 2016 йил, 2017 йил давомида ва 2018 йил 1 ярим йилликда тўланган ойлик ҳақ (вознаграждение) миқдорини, 2016 йил ва 2017 йил якунлари бўйича тўланган йиллик мукофот пули миқдорини тасдиқлаш.
 12. Жамият Бошқарув аъзоларига 2016 йил ва 2017 йил давомида тўланган ҳақ (вознаграждение) миқдорини ҳамда 2016 йил ва 2017 йил якунлари бўйича тўланган йиллик мукофот пули миқдорини тасдиқлаш.
- Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги маъруза ва ахборотлар эшитилди:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Б. Суюнов Кузатув кенгашининг 2018 йил 5 ноябрдаги 238-сонли қарорига асосан 3 кишидан, яъни Норматов Нуркамол Байхонович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ва Набиев Жамшид Тадживаевичдан иборат этиб Санок комиссияси тузилганлигини ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

Мазкур комиссиянинг Санок комиссияси раиси этиб Норматов Нуркамол Байхонович сайланганлиги тўғрисидаги 2018 йил 23 ноябрдаги 1-сонли баённомаси умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Санок комиссияси томонидан умумий йиғилишда жамиятнинг 37 117 610 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 3 та акциядори ва уларнинг вакиллари қатнашаётганлиги ва жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (41 669 087 дона)нинг 89,07 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Санок комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ умумий йиғилиш қворуми борлиги тўғрисидаги 2018 йил 23 ноябрдаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши очик деб эълон қилинди.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Б.Суюнов, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

кун тартибининг барча масалалар бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 5 минутдан;

музокарага чиқувчилар учун – ҳар бирига 5 минутдан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга –10 минут;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга –10 минут.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3929-сонли қарори ижросини кўриб чиқиш ва таъминлаш.

“O‘zagrolizing” АЖ Бошқарув аъзоси Д. Холдаралиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3929-сонли қарорини умумий йиғилиш иштирокчиларига таништирди. Бунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш, уларнинг маҳсулотлари рентабеллиги ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини айтиб ўтди.

Шу билан бирга, мазкур тармоқдаги ишларнинг амалдаги ҳолати ишлаб чиқариш жараёнларини жадал янгилаш ва модернизация қилишга, илғор технологияларни жорий этиш ва бутун тармоқни изчил ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд эканлигидан далолат берди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғи корхоналарини бошқариш тизимини, шу жумладан мавжуд ташкилотлар тузилмасини оптималлаштириш, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчиларнинг самарали фаолияти учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларни яратиш орқали такомиллаштириш талаб этилишини таъкидлади.

Ушбу қарорга мувофиқ, “Ўзагролизинг” АЖни “Ўзагротехсаноат-холдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқариш, “Ўзагролизинг” АЖ устав фондидаги “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖга тегишли улушни кейинчалик берилаётган улушнинг баланс қийматига “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ устав фондини камайтириш орқали давлат тасарруфига ўтказиш ҳамда “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ таркибига кирмайдиган қишлоқ хўжалиги ва бошқа турдаги техникалар (ускуналар) ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши томонидан белгиланадиган ҳажмда реализация қилишни ташкил этиш белгиланган.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

4. ва 5. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ваколатини муддатидан олдин тугатиш. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари ваколатини муддатидан олдин тугатиш.

“Ўзагролизинг” АЖ Бош директори А. Саттаров сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини жамиятга Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (2018 йил 26 октябрдаги 2491/02-29-сонли хат) томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш, жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш масаласи бўйича юборилган хатни таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига янги аъзоларни сайлаш тўғрисидаги хатини инobatга олиб, амалдаги жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш таклиф қилинди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

6. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Умумий йиғилиш раиси Б.Суюнов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодларни тақдим этилган номзодларни таништириб ўтди:

| № | Номзоднинг Ф.И.Ш. | Иш жойи ва лавозими |
|----|------------------------------|---|
| 1. | Отажонов Нодир Собирович | Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари |
| 2. | Каримов Анвар Расулович | Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари |
| 3. | Эргашев Абдимухтор Эргашевич | Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари |

| | | |
|----|-------------------------------------|---|
| 4. | Курбонов Аъзамжон Бешимович | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси етакчи мутахассис |
| 5. | Курбоналиев Санжар Сабриддинович | Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 6. | Саттаров Тулкин Абдухалилович | Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижро этувчи директор |

Бундан ташқари, “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки 2018 йил 30 октябрдаги 11/03-520-сонли хат билан Жамият кузатув кенгаши аъзолигига Хўжакулов Абдунаби Хакимович номзодини қайта сайлаш учун тақдим этган.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

7. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Умумий йиғилиш раиси Б.Суюнов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидаги номзодларни тақдим этилган номзодларни таништириб ўтди:

| № | Номзоднинг Ф.И.Ш. | Иш жойи ва лавозими |
|----|-------------------------------|---|
| 1. | Ботиров Дилмурод Якубжанович | Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 2. | Матякубов Арифжан Ибрагимович | Давлат активларини бошқариш маркази бўлим бошлиғи ўринбосари |
| 3. | Нарзуллаев Равшан Садуллаевич | Давлат рақобат қўмитаси етакчи мутахассиси |

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

8. ва 9. Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш. Жамиятнинг “Бошқарув тўғрисидаги низом”ни янги тахрирда тасдиқлаш.

“O‘zagrolizing” АЖ Бошқарув аъзоси Х. Холбоев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 17 ноябрда қабул қилинган ПҚ-2658-сонли қарорининг 3-банди 4-хат боши қисмида “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари - “O‘zagrolizing” АЖ Бош директорини мазкур Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланиши белгиланганлигини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3929-сонли “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 6-бандида “Ўзагролизинг” АЖ Бошқарув раиси тегишли жамиятларнинг акциядорлари умумий йиғилишида сайланиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

лавозимга тасдиқланиши ҳамда мақоми, маиший, тиббий ва транспорт хизматлари шароитлари бўйича вазирга тенглаштирилиши белгилаб қўйилганлиги айтилди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, жамият уставининг Бошқарув бобига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди ҳамда устав лойихаси умумий йиғилиш иштирокчиларига тақдим этилди.

Шунингдек, умумий йиғилиш иштирокчиларига жамиятнинг “Бошқарув тўғрисидаги низом”нинг янги тахрирдаги лойихаси тақдим этилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

10. Жамият Бошқарув раисини сайлаш.

Умумий йиғилиш раиси Б.Суёнов сўзга чиқди. Сагтаров Анвар Абдимажитович Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 апрелдаги 298-сонли қарори билан “O'zagrolizing” акциядорлик жамияти раҳбарлик лавозимга тасдиқланганлигини инобатга олиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига Сагтаров Анвар Абдимажитовични “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти бошқарув раиси этиб сайлаш таклиф қилинди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

11. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва котибига 2016 йил, 2017 йил давомида ва 2018 йил 1 ярим йилликда тўланган ойлик ҳақ (вознаграждение) миқдорини, 2016 йил ва 2017 йил якунлари бўйича тўланган йиллик мукофот пули миқдорини тасдиқлаш.

“O'zagrolizing” АЖ “Молиявий-иқтисодий таҳлил ва лизинг мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими” бошлиғи Э. Қурбонов сўзга чиқди.

Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан “Кузатув кенгаши тўғрисида” Низом тасдиқланган. Мазкур Низомга мувофиқ, Кузатув кенгаши аъзолари ва котибининг вазифаларини бажариб турган давр учун ҳар ойда қатъий белгиланган миқдорда ҳақ (вознаграждение) ҳамда Жамиятнинг молиявий-хўжалик йили самарали якунланганлиги учун йиллик мукофот пули олиши белгиланган.

Акциядорларнинг 2016 ва 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган умумий йиғилишларида жамият томонидан олинган соф фойда тақсимланган. Умумий йиғилишда кузатув кенгаши аъзолари ва котибига мукофот берилиши тўғрисида қарорлар қабул қилинган. Ушбу қарорлар ижроси бўйича жамият кузатув кенгаши аъзолари ва котибига жами 2016 йилда 280,0 млн.сўм, 2017 йилда 429,4 млн.сўм, 2018 йил 1 ярим йилликда 319,6 млн. сўм ойлик ҳақ ҳамда мукофот пули ҳисобланганлиги ва тўланганлигини айтиб ўтиб, тасдиқлаш таклиф қилинди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

12. Жамият Бошқарув аъзоларига 2016 йил ва 2017 йил давомида тўланган ҳақ (вознаграждение) миқдорини ҳамда 2016 йил ва 2017 йил якунлари бўйича тўланган йиллик мукофот пули миқдорини тасдиқлаш.

“O'zagrolizing” АЖ “Молиявий-иқтисодий таҳлил ва лизинг мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими” бошлиғи Э. Қурбонов сўзга чиқди.

Жамият акциядорлари томонидан тасдиқланган “Бошқарув тўғрисида Низом”да:

Бош директор ва Бошқарув аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ ҳолда ҳар чорак (ёки I ва II ярим йиллик) якуни бўйича қатъий белгиланган миқдорда ҳақ (вознаграждение) ва йил якуни бўйича йиллик мукофот тўланиши кўзда тутилган. Бош директор ва Бошқарув аъзоларига ҳақ (вознаграждение) тўлаш Кузатув кенгашининг Жамият фаолияти самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда ҳар чорак (ёки I ва II ярим йиллик) якуни бўйича қабул қиладиган қарорига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Акциядорларнинг 2016 ва 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган умумий йиғилишларида жамият томонидан олинган соф фойда тақсимланган. Умумий йиғилишда бошқарув аъзоларига мукофот берилиши тўғрисида қарорлар қабул қилинган. Ушбу қарорлар ижроси бўйича жамият Бошқарув аъзоларига жами 2016 йилда 218,4 млн.сўм, 2017 йилда 210,5 млн.сўм ойлик ҳақ ҳамда мукофот пули ҳисобланганлиги ва тўланганлигини айтиб ўтиб, тасдиқлаш таклиф қилинди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

Умумий йиғилиш раиси кун тартибидаги масалаларнинг ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни санок комиссиясига топширишни сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича санок комиссияси раиси Норматов Нуркамол Байхонович умумий йиғилишга қуйидагиларни эълон қилди:

Санок комиссиясининг 2018 йил 23 ноябрдаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 3 дона бюллетен тарқатилди ва 3 дона бюллетен йиғиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қуйидагича овоз олинди:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 117 610 дона акциялар (100%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 117 610 дона акциялар (100%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3929-сонли қарори ижросини кўриб чиқиш ва таъминлаш.
Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 117 610 дона акциялар (100%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.
4. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ваколатини муддатидан олдин тугатиш.
Овоз бериш натижалари: Ёқлаганлар – 37 117 610 дона акциялар (100%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.
5. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари ваколатини муддатидан олдин тугатиш.

Овоз бериш натижалари: Ёклаганлар – 37 117 610 дона акциялар (100%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

6. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

Овоз бериш натижалари:

| № | Номзоднинг Ф.И.Ш., Иш жойи ва лавозими | Ёклайман |
|----|--|------------|
| 1. | Отажонов Нодир Собирович - Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари | 43 223 704 |
| 2. | Каримов Анвар Расулович - Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари | 43 223 704 |
| 3. | Эргашев Абдимухтор Эргашевич - Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари | 43 223 704 |
| 4. | Курбонов Аъзамжон Бешимович - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, етакчи мутахассис | 43 223 704 |
| 5. | Курбоналиев Санжар Сабриддинович - Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси, бошқарма бошлиғи | 43 223 704 |
| 6. | Саттаров Тулкин Абдухалилович - Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, ижро этувчи директор | 43 223 706 |
| 7. | Хўжакулов Абдунаби Хакимович - “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки Департамент директори | 481 044 |

7. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёклаганлар – 37 117 610 дона акциялар (100%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

8. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёклаганлар – 37 117 610 дона акциялар (100%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

9. Жамиятнинг “Бошқарув тўғрисидаги низом”ни янги таҳрирда тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёклаганлар – 37 117 610 дона акциялар (100%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

10. Жамият Бошқарув раисини сайлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёклаганлар – 37 117 610 дона акциялар (100%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

11. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва котибига 2016 йил, 2017 йил давомида ва 2018 йил 1 ярим йилликда тўланган ойлик ҳақ (вознаграждение) миқдорини, 2016 йил ва 2017 йил якунлари бўйича тўланган йиллик мукофот пули миқдорини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёклаганлар – 481 044 дона акциялар (1,30%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – 36 636 566 дона акциялар (98,70%).

12. Жамият Бошқарув аъзоларига 2016 йил ва 2017 йил давомида тўланган ҳақ (вознаграждение) миқдорини ҳамда 2016 йил ва 2017 йил якунлари бўйича тўланган йиллик мукофот пули миқдорини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари: Ёклаганлар – 37 117 610 дона акциялар (100%), қаршилар-йўқ, бетарафлар – йўқ.

Санок комиссияси раиси эълон қилган маълумот умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (*Санок комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда*).

“O‘zagrolizing” aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Санок комиссияси микдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса Норматов Нуркамол Байхонович, Мирсаидова Манзура Муроджон кизи ва Набиев Жамшид Тадживаевичлардан иборат этиб тасдиқлансин.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлансин ва унга мувофиқ:
 - кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 5 минутдан;
 - музокарага чиқувчилар учун – ҳар бирига 5 минутдан;
 - овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга – 10 минут;
 - умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга – 10 минут регламент белгилансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3929-сонли қарори ижросини таъминлансин.
4. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан олдин тугатилсин.
5. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатини муддатидан олдин тугатилсин.
6. Жамиятнинг кузатув кенгашига қуйидаги номзодлар сайлансин:
 - Отажонов Нодир Собирович;
 - Каримов Анвар Расулович;
 - Эргашев Абдимухтор Эргашевич;
 - Курбонов Аъзамжон Бешимович;
 - Курбоналиев Санжар Сабриддинович;
 - Саттаров Тулкин Абдухалилович;
 - Хўжақулов Абдунаби Хакимович.
7. Жамиятнинг тафтиш комиссиясига қуйидаги номзодлар сайлансин:
 - Ботиров Дилмурод Якубжанович;
 - Матякубов Арифжан Ибрагимович;
 - Нарзуллаев Равшан Садуллаевич.
8. Жамиятнинг янги тахрирдаги устави тасдиқлансин.
9. Жамиятнинг “Бошқарув тўғрисидаги низом”и янги тахрирда тасдиқлансин.
10. Саттаров Анвар Абдимажитович жамият бошқарув раиси этиб сайлансин.


11. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ва котибига жами 2016 йилда 280,0 млн. сўм, 2017 йилда 429,4 млн. сўм, 2018 йил 1 ярим йилликда 319,6 млн. сўм ойлик ҳақ ҳамда мукофот пуллари ҳисобланганлиги ва тўланганлиги тасдиқлансин.

12. Жамият Бошқарув аъзоларига жами 2016 йилда 218,4 млн.сўм, 2017 йилда 210,5 млн.сўм ойлик ҳақ ҳамда мукофот пуллари ҳисобланганлиги ва тўланганлиги тасдиқлансин.

Умумий йиғининг раиси




Суюнов Бобомурод Мамаражабович


Турсунов Марат Турдахунович

Баённома тузилган сана: 28.11.2018 йил